Ушбу сонда:
2 ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА
3 TV – ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 октябр, шанба № 159 (1584)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН-ГРУЗИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябр кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди



Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифга катта тайёргарлик кўрган - аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислом Каримовнинг сурати ва «Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Крцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиш ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислом Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислом Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қуроляроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар қўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислом Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини таклиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидаги бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қиляпти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи карвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласи теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотиқ борасида анъанавий махсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой экспорт қилиш мумкин. У ёкдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислом Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-харакатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатларида ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислом Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти - «Охрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини равнақ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Тбилиси
Тошкент

ҚИШЛОҚЛАРГА ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Вобкент туманининг Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги аҳолиси тоза ичимлик суви муаммосидан қийналиб келарди. Хўжаликдаги Хуррам, Арабхона қишлоқларига тоза сув келди. Яна бир йирик қишлоқ - 1 минг 200 дан зиёд оила истиқомат қиладиган Харгушга ҳам сув қувурлари тортилмоқда. Харажатларнинг бир қисми маҳаллий бюджетдан, қолгани эса ширкат хўжалиги ҳисобидан қопланяпти.

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Мовароуннаҳрнинг икки забардаст сиймоси

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари диёримиздан етишиб чиққан улуғ аллома, забардаст муршиди комил, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асосчисидир.

ЮНЕСКО ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабр қарорига кўра Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги республикамиз миқёсида кенг нишонланади. Бу улуғ инсоннинг камол топишида, албатта у зотга таълим берган устозларнинг хизматлари беқиёсдир. Шу маънода «сарсилсилаи хожагон» ва «сардафтари табақаи хожагон» каби сифатлар билан таърифланган Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва у зотнинг устози Шайх Юсуф Ҳамадоний билан бўлган самимий муносабатлар ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Туронзамин дарғалари

«Шайхуш шуйух» сифати билан машҳур бўлган Хожа Юсуф Ҳамадоний Шарқ маънавиятида улкан ўзгариш Ясаган тарихий шахсдир. У Хожагон-Нақшбандия ва Яссавия тариқатларининг юзага келишига асос солган Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий каби икки буюк маънавият пешволарини тарбиялаб етиштирган сарчашма, ўзининг диний ва ирфоний-тасаввуфий фикр-қарашлари билан ҳақиқий аҳли суннат эътиқодини, шариатга мувофиқ соф тасаввуф тушунчасини тарғиб этган мутасаввифдир. Чунончи, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг гувоҳлик бериб ёзишича, Юсуф Ҳамадонийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросонда биронта эътиқоди бузуқ бидъат аҳли қолмаган экан. Шу билан бирга Юсуф Ҳамадоний олий тариқатлар бошловчиси, ўз даврининг етук алломаси, шариат ва тасаввуф илмларининг билимдони бўлиш билан бир қаторда буюк мутафаккир ва моҳир адиб ҳамдир. У «Рутбат ул-ҳаёт», «Рисола фи анналкавна мусаххарун лил инсон», «Рисола дар ахлоқ ва муножот», «Кашф», «Рисола дар одоби тариқат» каби ирфоний ва фалсафий асарлар муаллифидир.

(Давоми 2-бетда)

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида 2003 йилнинг тўққиз ойлик якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Уни Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод маҳалла йили» дастурининг ижросини таъминлаш борасида юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Маҳаллаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга аҳоли ўртасида маънавий-маданий ишларни янада жонлантириш, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиши давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан саналади. Бу борада, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ёш авлодни оммавий спортга кенг жалб этиш, спорт иншоотларини қуришни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўтган вақт мобайнида ижтимоий соҳада кенг қўламдаги ислоҳотларни амалга оширишда муайян натижаларга эришилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичида кўзда тутилган, кенг миқёсли, республикамиз таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги илм масканлари - академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Мажлисда ана шу илм масканларидаги таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими - Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилгани аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда. Тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Аҳолига, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш тизими ислоҳ қилинмоқда. Республика туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда хусусийлаштиришнинг бориши, уларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги, бу соҳадаги камчиликлар таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Ошкора ва танқидий руҳда ўтган мажлисда Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятида талайгина камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Уларни бартараф этиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов қатнашди.

(ЎзА)

«КИЧИК ОЛИМПИАДА»ДАН УМИД КАТТА

Мухлису мутахассислар томонидан «кичик Олимпиада» деб таъриф берилган Марказий Осиё ўйинлари илк бор Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) кўмагида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон спортчилари иштирокида 1995 йилда пойтахтимизда ташкил этилган эди.

Минтақадаги беш қўшни давлат спортчилари ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик каби умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётган мазкур мусобақага Тожикистоннинг бош шаҳри - Душанбе мезбонлик қилиш арафасида турибди.

14 октябр куни Душанбеда бошланажак V Марказий Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, таэквондо, теннис, ўқ отиш, енгил атлетика спорт турлари бўйича беллашувларда қатнашади. Шунингдек, халқаро спорт турига айланиб улгурган миллий қадриятларимиздан бири - кураш беллашувлари ҳам ўтказилади.

Медаллар учун курашда ҳар доимгидек, боксчиларимизнинг имконияти юқори баҳоланмоқда. Айниқса, таркибда О.Мамажонов, Б.Султонов, Б.Хидиров, Д.Маҳмудов, Б.Сарсикбоев, Ш.Ҳусанов И.Бердиев каби жаҳон ва қитъа чемпионлари, С.Михайлов ҳамда Р.Саидовдек Олимпиада ўйинлари совриндорларининг борлиги терма жамоамиз салоҳияти нақадар юқори эканини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, спорт делегациямиз таркибида Д.Мансуров (эркин кураш), А.Чеглаков (юнон-рум кураши), енгил атлетикачилардан С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хуббиева, В.Смирнов, А.Журавлева сингари Афинада ўтажак навбатдаги Олимпиада ўйинларига борадиган спортчилар ҳам бор.

(ЎзА)

Маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, уларнинг замонавий халқаро талаб ва меъёрларга мослигини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш асосий вазифа. Бугунги кунда Қашқадарё вилояти жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

БИЗНИНГ МАҲСУЛОТ

дунё бозорида муносиб ўрнини топсин

Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази ташкил этилган эди. Унинг вазифаси истеъмолчиларни сифатсиз, шу жумладан фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирувчи, атроф-муҳитга зарар етказувчи, ўзаро алмашинувчанлик ва мослашинувчанлик талабларини, ўлчаш услублари ва ёрлиқлар қоидаларининг бирлигини таъминламайдиган маҳсулотлардан ҳимоялаш, халқаро бозорда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига кўмаклашишдан иборат.

Воҳада чет эл сармояси киритилган элликдан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатаяпти. Вилоят экспортининг 67,5 фоизини пахта толаси, 12,5 фоизини машина асбоб-ускуналари, 9,4 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 10,6 фоизини бошқа истеъмол моллари ташкил этади. Мавжуд корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган томат пастаси, мевалар шарбати, момиқ, хом ипак, трикотаж, суюлтирилган газ, полиэтилен ва бошқа турдаги кўплаб маҳсулотлар хорижга чиқарилаяпти.

Жорий йилнинг ўтган ойларида 57338 тонна пахта толаси экспорт қилинди, ёки бу истеъмолчиларга жўнатилган маҳсулотнинг 98,1 фоизини ташкил этади. Бу йил илк марта 200 тоннадан ортиқ дон Афғонистон давлатига юборилди.

Чет эл инвестицияси экспортининг асосий қисми Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи» ЛТД Ўзбекистон - Япония -Туркия, «Кумуш» Ўзбекистон - Буюк Британия, Қамаши туманидаги «Момиқ» Ўзбекистон-Англия қўшма корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Эндиликда «Шўртаннефтгаз», «Муборакнефтгаз», Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ кимё мажмуи, Косон ва Қарши ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, «Қашқадарёмармар», Шаҳрисабз меваларни қадоқлаш корхонаси каби йирик ташкилотлар вилоят иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сифат - корхона кўзгуси, мамлакатнинг халқаро майдонда нуфузини оширишнинг муҳим манбаи. Вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази директори А.Турсуновнинг маълум қилишича, тармоқлараро стандартлаштириш тизимларини шакллантириш ва қўллаш концепцияси ишлаб чиқилди. Ички ва ташқи бозорда юқори илмий-техникавий салоҳиятга, истеъмол характеристикаси ва рақобатбардошликка эга янги маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқариш стандартлаштиришнинг функционал, ташкилий ва услубий бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Марказ ўз ваколат доирасида истеъмолчилар ҳуқуқини сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, сотилиши, хизматлар кўрсатилишидан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида вилоят божхона ва солиқ қўмиталари, ҳуқуқ ва назорат органлари билан олиб борилган ҳамкорликдаги ишлар туфайли вилоятимизга кириб келаётган 161 миллион сўмликдан ортиқ тамаки, спиртли ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз деб топилди ҳамда тегишли чоралар кўрилди.

Вилоятнинг 78 корхона ва ташкилотларида текширишлар ўтказилиб, улардан 60 тасида стандарт талаблари бузилганлиги аниқланди. Меъёрий ҳужжатларга амал қилинмаганлиги учун 1 миллион 80 минг сўм иқтисодий жарима солинди. Истеъмол молларининг сифати бузилишига йўл қўйилганлиги учун 64 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва улардан 460 минг сўм жарима ундирилди.

60 та корхонада метрологик ва стандартлаш талаблари бузилганлиги аниқланиб, истеъмолга яроқсиз деб топилган 24 миллион сўмдан ортиқ маҳсулотлар қайта ишлашга топширилди.

Мутасадди ташкилотлар билан биргаликда юксак сифат ва самарадорликка эришиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Вилоят ҳокимининг қарори билан аҳоли турмуш даражасини янада кўтариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни рағбатлантириш мақсадида «Вилоятда энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона» ва «Қашқадарёнинг энг сифатли маҳсулоти» кўрик-танлови эълон қилинди. Ҳар йили ноябр ойининг биринчи ҳафтасида қурилиш индустрияси, енгил саноат, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати, хизмат соҳалари бўйича кўрик-танлов якунланиб, ғолиблар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Бугунги кунда вилоят корхоналарининг маҳсулоти Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Германия, Англия, Корея сингари хорижий мамлакатларга, Россия, Украина, Қозоғистон, Белоруссия каби ҳамдўстлиқ давлатларига жўнатиляпти. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар томонидан вилоятимизга қўшни МДҲ давлатлари, шунингдек Эрон, Покистон, Туркия сингари мамлакатлардан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиняпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат, енгил саноат ва қурилиш материалларининг сифат кўрсатгичларини аниқлаш, баҳолаш ва истеъмолга яроқлилигини тасдиқлаб бериш учун синов ишлари амалга оширилди. 135 та ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан лицензия шартномалари тузилган. Йил бошидан бери метрология бўлими 49 миллион сертификатлаштириш бўлими 39,5 миллион сўмлик ишларни амалга оширди. 1500 га яқин мувофиқлик сертификатлари берилди. 55 та хўжалик юритувчи субъектларнинг синов лабораториялари аттестациядан ўтказилди, 39 та ўлчаш воситалари метрологик аттестация қилинди.

Мавжуд озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш лабораториялари қайта жиҳозланиб, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди. Сармоядорлар, кичик ва ўрта бизнес ходимларига қулай шароит яратиш учун марказ қошида янги лаборатория қурилди.

Истеъмол бозорини сифатли моллар билан таъминлаш, экспортга жўнатилаётган маҳсулотларнинг жаҳон андозаларига мос бўлишига эришиш муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифа ҳисобланади. Катта бойликлар ва улкан имкониятларга эга бўлган Қашқадарёда тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларида ўзининг муносиб ўрнини топиши учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Ислоҳот мевалари

ЁЛКИН

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Мовароуннаҳрнинг икки забардаст сиймоси

(Боши 1-бетда)

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ҳижрий 440/441 йиллари Ҳамадоннинг Бўзанажирд (ёки Бўзинажирд) қишлоғида таваллуд топди. 458-459 йил илм таҳсили учун ўша даврнинг илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга йўл олади. У ерда машҳур фақиҳ, Низомия мадрасаси мударриси Абу Исҳоқ Шерозийдан фиқҳ, ҳадис ва калом илмлари бўйича таълим олади. Ҳамадоний шунингдек, Исфаҳон, Самарқанд, Бухорода, Ироқ ва Хуросоннинг яна бошқа шаҳарларида ҳам диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олади. Илм бобида камолотга етгач, Бағдоддаги Низомия мадрасасида дарс бера бошлайди.

Авҳадуддин Кирмонийнинг ривоят қилишича, Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ҳаётининг олтмиш йилини иршод фаолиятига бағишлади ва ул зот пойдеворини қўйган мустаҳкам бинога вафотидан кейин асло шикаст етмади. Халифаларидан тўрт нафари: Хожа Абдуллоҳ Баррақий Хоразмий, Хожа Ҳасан Андоқий Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний каби толиблар тарбияси билан шуғулландилар.

Юсуф Ҳамадоний ҳаётига доир маълумотлар Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний», «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Мирхонднинг «Ҳабиб ус-сияр» ва Фахриддин Али Сафийнинг «Рашоҳот айн ул-ҳаёт» каби асарларида учрайди.

Хожаи Жаҳоннинг устозига бўлган ҳурмат ва муҳаббатини кўрсатувчи энг ёрқин белгиларидан бири – унинг Ҳамадоний ҳақида битган «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асаридир.

Мақомот – Юсуф Ҳамадонийнинг сўзлари, ахлоқи ва аҳволи баёнига бағишланган асар бўлиб, унда Ғиждувоний устозининг сурат ва сийрати, маъноли яшаш тарзи, гўзал хулқини тасвирлаб, улуғ бир инсоннинг ҳаёт йўлидан ибрат олишга чақиради. Рисола илму адабда тарбиявий аҳамиятга моликлиги билан ҳам жуда қимматлидир. Хожагон сулукини саодат асрига қадар, яъни Пайғамбар алайҳиссаломгача боғловчи силсила биринчи марта ушбу «Мақомот»да келтирилган. Шунингдек, бу асар тасаввуф қоидаларига доир ёзилган кўплаб асарлар учун муҳим ва ишончли манба вазифасини ўтаб келган. «Мақомот»нинг ёзилиш тарихи қуйидагича бўлган: Ўша давр ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳ Юсуф Ҳамадонийнинг ахлоқу аҳволини ёритувчи бир рисола ёзилишини истайди. Шунга биноан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт тарзи, одобахлоқи, юриш-туриши баён этилган мазкур «Мақомот»ни қаламга олади.

«Мақомот»дан ўрин олган панд-насиҳатлар ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, қалб имкониятларига йўл очиш, маърифат сирриданогоҳ бўлишга чорлайди. Нафсоний орзуларга бўйсунишдан, бидъатдан, шариатга қарши чиқишдан, ботил ва фитна аҳлининг йўлидан ва муқаллидларнинг тақлидларидан муҳофаза этади.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний устозининг муҳим тавсияларини ҳам алоҳида қайд этади: «Менга дедиларки: «Эй Абдулхолиқ! Билгинки, ҳақ йўлининг йўлчилиги, яъни сулук икки қисмдир: сулуки зоҳир ва сулуки ботин. Биринчиси, сулуки зоҳир бўлиб, у ҳар ҳолу корда илоҳий амр ва тақиқларга риоят этиш, имкон доирасида диний мезонларни сақлаш ва нафс орзуларидан қочишдир. Ўз аъзоларини ҳавою нафсдан сақлаб, шариат ҳудудида муҳофаза қилишдир. Иккинчи қисм бўлган сулуки ботин эса қалбни поклашга ҳаракат қилиш ва нафсоний ёмон сифатларни йўқотиш учун ғайрат сарф-лашдир. Ботиний таҳорат – қалбнинг Ҳақ зикри билан гўё бўлишлиги учун зикрда беҳад жидду жаҳд қилиш...»

«Эй Абдулхолиқ, хавотирни билиш иши сенга ҳавола қилинди...- Зоҳирингизни пароканда-ликлардан халос этинг, чунки зоҳиран пароканда кишининг ботини ва кўнгли ундан ҳам баттар пароканда бўлади».

Юсуф Ҳамадоний кимни кўрсалар «хожа» деб мурожаат қилардилар: Сафарга кўп чиқардилар. Либослари жундан ва ямоқли бўларди... Этикдўзлик ва деҳқончилик билан шуғулланар, Ҳақ таоло нима берса, камбағал, етимесир, ғариб, бемор ва аёлманд (серфарзанд), муҳтож, йўқсил оилаларга тарқатар эдилар. Умрларида бирон марта тиланчилик қилмаган, муридларни ҳам бундан қайтарардилар. Доимо Аллоҳга суянар эдилар. Ҳар йил қирқ кун амри маъруф, наҳйи мункар қилар, инсонларга яхшиликни тавсия этардилар. Янги ой кирганда Самарқанд пешволарини чақирар, улар билан шариат илмидан баҳс ўтказарди. Самарқанд улуғлари ҳам унинг суҳбатидан баҳраманд бўлардилар. «Хожаи зиндадилон» («тирик қалблар хожаси») Хожа Хизр алайҳиссалом билан суҳбат қилардилар. Халқни ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ташвиқ этардилар. Фирибгар, айёр, фосиқ, мутакаббир, золим кишиларни ва ота-онасини ранжитувчи, жанжалкаш, бидъатчи, феъли бузуқ, бенамоз, маддоҳ, сохтакор, судхўр, ёлғончи, очкўз, одамларга ёмон лақаблар қўювчи, жамият ишларида ўз манфаатини кўзловчи, товламачилик билан ҳақни ноҳаққа чиқарувчи, ўзини халқ орасида мўмин, зоҳид, диндор, дарвеш, олим, тақводор, обид бир инсон сифатида кўрсатувчи риёкор кимсаларга суҳбатларида тавба қилишни тавсия этардилар... Кўпинча ёвғон (гўштсиз, ёғсиз тайёрланган суюқ овқат) истеъмол қилардилар. Доимий равишда мужоҳада ва риёзатли эдилар... Яхши кетмон чопар, ишсиз, текинхўр ва еяверив семириб кетган одамларни дўст тутмасдилар...

Ислом КАРИМОВ:

Бухоройи Шариф ўзининг буюк фарзандлари, азиз авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук маскандир

Махдуми Аъзам Аҳмад Косоний ҳазратларининг «Одобус соликин» асарида ёзилишича, Юсуф Ҳамадоний Ғиждувонийга шундай насиҳат қилган экан: « Эй Абдулхолиқ! Икки эшикни ёпиб, хизмат эшигини оч, хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч». Бу насиҳатдан ҳам маълум бўлмоқдаки, Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийлар бошлаб берган Хожагон-Нақшбандия таълимотида халққа хизмат ва халқ билан суҳбатга алоҳида эътибор берилади.

Нодирхон ҲАСАН,
филология фанлари номзоди



Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфий рисолаларидан ташқари, гўзал сўфиёна рубоийлар ижодкори сифатида маълум. Лекин шайх-шоирнинг бадиий ижод намуналари бизгача деярли етиб келмаган. Биз турли манбалардан унга нисбат берилган 14 та рубоийни аниқладик. Мазкур рубоийлар машҳур тариқат пирининг шеърий салоҳияти ҳам баланд бўлганлигидан далолат беради. Уларнинг айримларида тасаввуф таълимоти назарий қоидалари ифодаси, сўфиёна ғоя ва қарашлар тарғибини кўрсак, баъзиларида ишқ мавзуи ҳассослик билан қаламга олинганлигига гувоҳ бўламиз.

АЗИЗ АВЛИЁ, ҲАССОС ШОИР

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўзи асос солган Хожагон тариқатининг 8 рашҳа - қоидасини ишлаб чиққани маълум (Кейинги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу рашҳаларнинг дастлабки тўрттаси унинг устози Юсуф Ҳамадонийга тегишли). Улар - ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт. Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувонийлар томонидан асослаб берилган бу 8 рашҳага Баҳоуддин Нақшбанд яна 3 рашҳа қўшиб, уларнинг ададини 11 тага етказади: вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий. Бу 11 рашҳа Хожагон-Нақшбандия тариқатининг тамали бўлиб хизмат қилган. Шайх-шоирнинг қатор рубоийларида ана шу рашҳаларнинг бадиий талқинини кўрамиз. Чунончи, қуйидаги рубоийсида шоир илоҳий илмларни - денгизга, бу дунёни - соҳилга ўхшатади. Тирикликнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, бутун лаззат - фароғат уммонда бўлиб, соҳилда ўтирган киши бу неъматдан бебаҳра қолади:

Эй баҳри улумга ёт, макони - соҳил,
Баҳр ичра фароғат, соҳил - душмани дил.
Ҳар икки жаҳонни(нг) мавжидан маст ўлма,
Ҳар икки нафасда қолма баҳрдан ғофил.

Бу ерда «икки нафас» ибораси Хожагон тариқатидаги нафас олиш ва чиқаришда илоҳий файздан бебаҳра қолмаслик маъносида келаяпти. «Аҳли тариқатнинг ибодати бу икки нафасдан огоҳ бўлмоқликдир», - дейди бу ҳақда ориф-лар султони Боязид Бистомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд фикрича эса, «икки нафас ўртасини ғоят эҳтиёт қилиш зарур. Зеро, нафас ғофиллик билан чиқмасин». Сабаби: асосий мақсад – унинг ўзи. Гоҳ у, гоҳ бу дунё жилвасига маст бўлиб, Яратувчининг ўзини унутма, демоқчи авлиё шоир.

Оллоҳни у берган илмлар воситасидагина билиш мумкин. Шунинг учун бу илмларни ўрганишга жаҳд қилиш - илм умммонига шўнғиш лозим. Соҳилда қолган киши эса дарёнинг чуқурлигидан чўчиб, унга киришга журъат этмаган қўрқоқ кимсага ўхшайди. Бинобарин, у сувнинг роҳату завқини билмайди. Шунга ўхшаб, илоҳий илмлар уммонидан сув ичмаган банда ҳам илоҳий файздан бебаҳра, Парвардигорни англашдан мосуво бўлади. Кофирлар бу дунё неъматларига алдансалар, зоҳидлар у дунёдаги мукофот - жаннат роҳат-фароғатини тамаъ қиладилар. Сўфий эса на бу дунё, на у дунё - жаннату дўзахга парво қилади: унинг мақсади - Оллоҳ таолонинг ўзи!

Кўринадики, бу рубоийда Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган Хожагон-Нақшбандия тариқатининг «хуш дар дам» рашҳаси ўзининг бадиий талқинини топган. «Хуш дар дам» - ҳар бир нафас огоҳлик юзасидан бўлиб, ғафлатга йўл қўймаслик. Бошқача айтганда, фикру хаёлни бир ерга тўплаб, ёлғиз Оллоҳга қаратиш. Шундагина у ҳузур бағишлайди.

Мана бу рубоийда эса «Сафар дар ватан» рашҳасининг мазмуни ўзининг бадиий ифодасини топган:

Очмай сира оғзингни кула олсанг соз!
Кўзсиз яна дунёни кўра олсанг соз!
Ўлтир-да, сафар айла, оёқ заҳматисиз -
Ер курраси ни агар кеза олсанг соз!

«Сафар дар ватан» рашҳасининг моҳияти - ботинда сайр: ўзликни англаш, қусурлардан қутулиб, фазилатларни эгаллаш, тадрижий равишда малакий сифатларни касб эта бориш. Бу ерда шоир оёғингга азоб бермай, яъни қадам босмай ер курраси ни кезиш деганда айни шу - «Сафар дар ватан»ни кўзда тутган. Бунда сафар қалб кўзи орқали бўлади. Рубоийдаги кўзсиз дунёни кўриш ҳақидаги мисра ҳам қалб кўзи билан дунёни кўриш, яъни ботинда сафар қилиш маъносини билдиради. Зеро, риёзатлар натижасида дунё ва нафс ташвишларидан қутулиб, кўзгудай шаффоф ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ нури жилваланади. Бутун олам Оллоҳ жамолининг жилвасидан иборат экан, Оллоҳни ўз қалбидан топган зот учун дунё бўйлаб сафар ҳожат эмас.

Маълумки, Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуф тарихидаги буюк бир тариқатга асос солибгина қолмай, Хожагон силсиласи воситасида умуман тариқатни Муҳаммад алайҳиссалом суннатига мувофиқлаштирди. Уни турли бидъатлар ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантирди. Таркидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Оллоҳга муҳаббати деб ҳаддан кечмасликка даъват қилди. Луқма ҳалоллиги - ҳар ким меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун ҳам Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний йўли асрлар давомида тариқатда ҳужжат ва барча гуруҳларда мақбул деб эътироф этиб келинди. Шунинг учун ҳам ривоятларга кўра гуноҳ қилиб, қанотидан айрилган фариштани Оллоҳ таоло унинг ҳузурига юборади: «Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳузурига бориб, тавба-тазарру қилмагунингча қанотинг берилмайди ва гуноҳинг кечирилмайди», - дейди. Шунинг учун ҳам авлиё шоир комил ишонч билан айтадики:

Бизнинг сафимизга кир-у, мутлоқ қўрқма,
Бўл остонамиз остида тупроқ - қўрқма.
Кўзғолса сенинг қасдингга гар жумла жаҳон,
Сен изла нажот биздан-у, ҳар чоқ қўрқма!

Маълумки, мурувват ва саховат - тасаввуфнинг икки асоси, устуни. Муаллиф кишиларни тасаввуф талабларини бажаришга даъват этар экан, айни пайтда, ҳар ким эканини ўради, деган халқона фалсафани ҳам ўз рубоийси қатига сингдириб юборади. Чунки ҳар кимнинг ажри - бу дунёда қилган ишларига боғлиқ. Мурувватни ҳаётининг мазмунига айлантирган, саховатни касб қилиб олган инсоннинг Ҳақ ва халқ олдидаги мавқе-мақоми ҳам юксак бўлади.

Маълум бўладики, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний буюк бир тариқатга асос солган забардаст тасаввуф шайх, улуғ авлиё бўлибгина қолмай, дилбар шоир, ҳассос сўз устаси ҳамдир. Унинг шаклан содда, мазмунан теран, бадиий баркамол рубоийларини бемалол Шарқ мумтоз сўз усталари рубоийлари муқобилига қўйиш мумкин. Бинобарин, комил ишонч билан айтиш мумкинки, агарда шайх-шоирнинг адабий мероси тўлалигича топилса, у ўзбек мумтоз адабиёти хазинасига қўшилган муносиб ҳисса бўлар эди.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ХОЖАИ ЖАҲОН ВАСИЯТЛАРИДАН

Эй фарзандим, сенга васият қилурманки, Парвардигори оламнинг йўл-йўриқларига итоат қилғил, бутун оламлар подшоҳи Тангри таолонинг расули Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига амал қилғил, буюрғон фарзларини адо этғил, ота-онанг ва тариқату шариатнинг барча улуғларига нисбатан ўз бурчингни пок бажаргил...

Аллоҳдин алланарсаларни сир тутамен, деб хомтама бўлмагил (чунки ул ҳар нарсани кўргувчидир). Аллоҳ ғазабига учрамаслигинг учун гуноҳга ботмагил, кибр қилмагил. Фақат Парвардигори оламга қаттиқ умид қилғил, андин умидингни узмагил, неки юмуш бажарсанг, анга кўз тут ва қўрқиб, умидвор бўлиб яша. Эртанги кун ризқингни ўйлама, чунки тонг отиши ила оламлар подшоҳи сенга ризқингни берадур. Аллоҳнинг тирикчилик қилишинг учун неъмат беришига ишонғил, чунки ул жамики мавжудотга кундузи таом улашишга кафолат берғон марҳаматли раҳмондур. Сенга кундузи белгилаб берилгон таом, жидду жаҳд-ла тиришғонинг, ҳаракат қилғонинг ила барибир кўпаймас...

Илм ўрганмасдин туриб, ишга киришмагил. Дин йўл-йўриқларини (пухта) билишинг (риоя қилишинг) учун мудом фиқҳ ва ҳадис ўрганғил.

Суннат ва тариқи жамоага мулозим бўлғил. Сени бул йўлдин оғдирадиғон зоға ҳозир бўлмагил, ҳеч бир одамга кафил бўлмагил, ҳеч киши вас-воёсига дохил бўлмагил, ҳаргиз шуҳратталаблик қилмагил, ул офат келтиргусидур. Мансаб бирла бўлғил. Одамларнинг мақтовиға учмагил ва аларнинг муҳокамасидин хафа бўлмагил, шундай ҳаракат қилғилки, кўз ўнгингда бирон қийматга эга бўлсин.

Тариқат йўлиға кириб, уламолар изидан борғил ва алардин мутассир бўлғил, магар шариатга хилоф бўлмаса, илм эгалари ва улуғларнинг таълимотини инкор этмагил.

Қуйидаги беш хусусиятга - дарвешликни бойлик деб билмағон, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмағон, илмни нодонлик ҳисоблағон, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдиғон, охиратни унутғон одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмагил.

Бас, шундай экан, фоний дунёдин боқий дунёга юз ўгирғил. Дунё ва анинг латифликлари сенга ҳийла бермасин, ахир дунё ёлғончи ва ноодилдир. Кимки юрагини дунёга боғласа, дунё анга боғланади, кимки дунёни инкор этса, дунё ани инкор этади.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Илм қидирмоқдин бир қадам ҳам узоқлашма, фиқҳ ва ҳадис илмини ўрган. Тақлидчи сўфийлардин узоқ бўлгинки, алар дин йўлининг ўғриларидурлар ва мусулмонларни йўлдин ургувчидурлар...

Халқ ила чиройли муомала қил, доимо адабли бўл. Барча ҳолатда яхшига ҳам, ёмонга ҳам лутфу марҳамат ила муомала қил. Қаҳ-қаҳ уриб кулмагинки, қаҳ-қаҳа ғафлат белгисидур ва дилни ўлдиради. Доимо нафсингни қийна, фақир йўлинда маҳкам тур. Олиҳиммат бўл.

Қўлингдин келмағон нимарса ҳақинда гапирма. Доимо халққа насиҳат қил. Кам ичиб, кам еб, кам ухлаб, кам гапир. Емоққа эҳтиёж сезмагунингча ҳеч нима ема. Сўзни зарур бўлғондагина гапир, уйқу ғалаба қилмагунча ухлама. Оз ухла.

«МАСЛАКУЛ - ОРИФИН»ДА

ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ ТАЛҚИНИ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг шариат ва тариқатга оид фикрлари, инсон ва унинг камолотига доир ҳикматли сўзлари вафотидан кейин шоиру мутасаввифлар томонидан жамланди ва шарҳланди. Нақшбандия ва унинг вакиллари ҳақида сўз юритилган аксар манбаларнинг деярли барчасида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний тилга олинади. Шундай манбалардан бири форс тилида ёзилган, лекин диёримизда ҳали тадқиқ қилинмаган, таржима ва нашр бўлмаган Шайх Аҳмад Бухорийнинг «Маслакул-орифин» («Орифлар маслаги») китобидир. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг ўнлаб қўлёзмалари мавжуд.

Бу манба ҳақида немис шарқшунос олими Юрген Паул ўз тадқиқотида мухтасар маълумот бериб ўтган:

«Маслакул орифин» Хожагон - Нақшбандия тариқати ҳақидаги қадимий илк манбалардан ҳисобланади. У Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сал олдин, тахминан XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилган. Дарҳақиқат, 10144 рақамли қўлёзмани кўздан кечирганимизда, унинг Мулло Қурбон Самарқандий томонидан 859 ҳижрий (1353 милодий) йилда кўчирилганлиги маълум бўлди.

Асарнинг Хожагон - Нақшбандия тарихи ҳақидаги қадимий манба эканлиги америкалик тасаввуфшунос олим Девин Диуис мақоласида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Асар муаллифи Шайх Муҳаммад ибн Асъад Бухорий ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Муқаддимада ўзининг таъкидлашича, ёшлигида Хожагон тариқатига қизиққан, аввало отасининг тарбиясини олган, кейинроқ у Хожагон тариқатининг машҳур шайхи Хожа Сулаймоннинг халифаси - «Саъдул - миллати вад - дин» унвонли шайхга қўл бериб, ўзи ҳам шайхлик даражасига чиққан.

Асар муқаддима ва 23 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда тасаввуфнинг бирор масаласи ёритилади. Масалан, I боб «Тавба ва унинг шартлари», X боб «Нафс сифатларининг баёни», XIX боб «Ихлос ва риё баёни» ва ҳоказо. Муаллиф ҳар бир бобга доир Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг фикрлари, унга берилган саволларга жавобларни келтириб, ўзининг нуқтаи назарини ҳам ифодалайди.

Асар насрда ёзилган. Айрим ўринларда шеърий байтлар келтирилади. Унинг мутолаасидан Хожагон тариқати суннат - шариатга мувофиқ бўлиб, солик одоблари Қуръон ва ҳадисга асосланади, деган хулосага келишимиз мумкин.

Илоҳий ишқ ва муҳаббат мавзуси Қуръон ҳақиқатлари ва Шарқ тасаввуф тажрибалари асосида ёритилган. Боблар ичида «Масъала» сарлавҳаси остида ўша бобга тегишли бўлган бирор нозик савол ўртага ташланади ва Ғиждувонийнинг жавоби келтирилади. Шунингдек, муаллифнинг фикр-қарашлари, баён услуби ва шеърий маҳорати ҳам алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Ғиждувоний тасаввуфнинг ҳар бир масаласига устозларидан олган билими, тажрибаси ва амалий фаолиятидан келиб чиқиб ёндошади. Масалан, нафси аммора ҳақида гапирар экан, унинг кўзга кўринмас душманлигиваунинг хусусиятларини таъкидлаб Қуръондаги қуйидаги сўзларни келтиради: «... нафсини ҳаволанишдан қайтарган кишининг жаннат албатта жойи бўлур» (Қуръон, «Нозиот» сураси, 40-41 оятлар). Пайғамбар алайҳиссаломнинг эса: «Биз кичик жиҳоддан қайтдик, энди катта жиҳодга - нафс билан курашишга тайёрланайлик», деган ҳадисини далил қилиб шундай дейди: «Жанг учун қурол - яроқ керак, қуролсиз уруш қилиб бўлмайди. Нафс билан уч хил қурол орқали кураш олиб борилади. Булар: очлик қиличи, сукут (хомушлик) пичоғи ва танҳолик найзаси. Толиб учун нафсга ғолиб келишдан улуғ неъмат йўқ. Бу саодат ҳеч кимга насиб қилмаган, фақат бу сулук (Хожагон-Нақшбандия - Р.С.) эранларига насиб қилди. Улар шу йўл орқали парвариш топдилар», деб Хожагон тариқатидаги кишиларни мақтайди.

Ғиждувоний «қалб муҳаббати - ибодатдир», дейди ва уни учга бўлади: бандани Аллоҳни дўст тутиши, Аллоҳнинг бандани дўст тутиши ва Аллоҳ дўстлари - валийларни дўст тутиш.

Умуман бу китобдаги ҳар бир мавзунинг шарҳланиши ва бирор масалага Ғиждувонийнинг муносабати ўзига хос, асосли ҳикматли сўзлар билан ифодаланган. Муаллифнинг шеърий парчалари ва хулосалари асарнинг илмий қимматини оширган. Ғиждувонийнинг ўз асарларидаги фикрлари билан «Маслакул - орифин»даги қарашлари ўртасида ҳамоҳанг ва муштараклик яққол кўзга ташланади. Уларни муқояса қилиб ўрганиш ва хулосалаш Ғиждувонийнинг адабий мухити, ирфоний қарашлари ва тафаккур тарзига баҳо беришда олимларимизга яқиндан ёрдам беради.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди



МАНБАИ АСРОР

«Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг падари бузруквори Абдулжамил ҳазратлари Хизр алайҳиссалом билан биродарлик қилган солиҳ ва ориф зот эди...

Хизр алайҳиссалом Абдулхолиқ Ғиждувонийни маънавий фарзандликка қабул қилиб, унга «нафй исбот» зикрини ўргатади. Бу зикр нафас олмасдан бошни ҳовузга тиқиб, етти мартадан йигирма бир мартагача қалбдан «ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш билан бошланади. Бу хуфя зикр ҳам ҳақиқий муроқаба мақомига етказади. Жаҳрий зикрда тил билан холисона қилинган зикрнинг маъносидан қалбан доимий тафаккур қилиш орқали файз олинади...

«Кони файз» сифати билан тилга олинадиган Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг халифаси, у кишидан шайхлик ижозати, иршод олганлар...

Бир кун Абдулхолиқ ҳазратларидан бир дарвеш:

– Нафс хоҳишини бажарайми ёки хоҳламаганиними? – деб сўрабди. Шунда Хожа Абдулхолиқ

– Бу жиҳатда инсоннинг ақли хато қилиши мумкин. Ҳақнинг буюргани қилиниши, манъ этгани қилинмаслиги керак. Бандалик ҳам, дарвешлик ҳам будир, – деб жавоб берганлар...

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари Хизр алайҳиссалом билан дўст бўлиш натижасида тариқати олияи нақшбандияга ҳужжат, дастур ва усул ўлароқ бир қанча қоидаларни сайру сулукка киритганлар. Кейинроқ шоҳ Нақшбанд қуддиса сирруҳу ҳазратлари бу улуғ тариқатга учта қрида-дастур илова қилиб, уларни ўн биттага етказганлар. Ҳар бир солик маънавий файз олиш учун буларга амал қилиши лозим.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳазратлари «Фасл ул-хитоб» (Тавҳидга кириш) номли асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларидан шундай баҳс қилади:

«Хожаи Жаҳон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари мутлақ суратда шайхи комил, муҳаққақ суратда қутби замон, матлаи анвор, манбаи асрор, ҳақиқий ва маъонийнинг мукошифики, унинг усули бу тариқатда ҳужжат ва бутун тариқатлараро мақбулдир.

Ул зот ҳар он сидқу сафо йўлида бўлган. Ҳазрати Мустафо (саллоллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатини тарк этмаган, бидъат ва ҳирс ҳавасдан ҳар лаҳза йироқда бўлиб, улардан сақланган, пок сийрати бегоналардан яширин қолган....»

Муҳаммад ибн АБДУЛЛОҲ ал-Ҳоний ан-Нақшбандийнинг «ал-Одоб» асаридан

TV дастури

13-19 октябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 13 октябрь куни «Ўзбекистон» телеканали ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
